



РУМ МАМЛАКАТИНИ ЗАБТ ЭТИБ, КАЙСАР ЛАШКАРИНИ СИНДИРИШ БОБИДА КИЛГАН КЕНГАШИМ

Шом шаҳарларини забт этганимдан кейин ва Мисру Шом подшоси Малик Фараж жанг майдонини ташлаб кочгандан сўнг, Румга юборган элчим Йилдирим Боязиднинг тескари жавобини олиб келди. Лекин [Боязид] Миср ва Шом лашкари мендан ечгилганини эшитгач, ўйланиб колгани ва саросимага тушиб, шошинч равишда юришга тайёргарлик кўра бошлаганини ҳам айтди. Мен эса кенгашиб Дамашк шаҳрини олиб, Шом вилоятларини бўйсундиргач, Мўсул йўли билан Багдодга караб юрдим. Бу билан кайсарнинг мен билан уруш килиш нияти бор-йўклигини билиб олмокчи бўлдим. Табриз тарафга караб юрдим. Амирзодалардан баъзиларига кўпсонли лашкар фавжларини кўшиб, Багдод устига жўнатдим. Бу вақтда Багдод хокими султон Ахмад жалоир шаҳарни ва унинг калъасини кўриклашни навқари Фаррухга топшириб, ёнига кўп одамларни кўшиб берганди.

Амирзодалар Багдодга етиб, шаҳарни куршаб олдилар. Иш уруш килишга бориб такалгач, [чопар орқали] бор хакикатни менга арз килдилар. [Бу хабарни] эшитиб ўзим Багдодга бориб, шаҳар ва калъани озод этишга қарор килдим. Табриз йўлидан орқага қайтиб, юриш билан Багдодга келдим ва эҳтиёткорлик билан харбий хийлалар ишлатиб, калъани кўлга олишга киришдим. Камал муддати икки ойу ва яна бир неча кунга чўзилгандан кейингина калъа билан шаҳар ишғол этилиб, галаба қозонилди. Калъа бошлиги Фаррух Дажла дарёсида гарк бўлди. Мен шаҳарга кирдим ва барча бебош, бузук кишиларни ўлдиришни, калъа ва шаҳар иморатларини бузиб ер билан баробар килишни буюрдим.

Багдоддан кейин Озарбайжонга юриш килишга жазм килдим ва ўша ерда бир қанча вақт туриб қолдим. Шу аснода кайсар Халаб, Хумс ва Диёрбакр вилоятларига лашкарий фавжларини юборгани ва мендан қочиб кайсар паноҳига кирган Қора Юсуф туркман эса қароқчилар бошлигига айланиб, айникса икки муқаддас шаҳар зиёратига қатновчиларнинг қарвонларига кўп зарар келтираётганлиги хабари қулоққа эшитилди. Бунинг устига ўша тарафлардан бир жамоат кишилар келиб, улар ҳам Қора Юсуфнинг жабр- зулмидан арз килдилар. Шунинг учун Қора Юсуфнинг жазосини бериб, кайсарнинг кўзини гафлат уйқусидан очиб кўйишим лозим кўринди. Бу хусусда кенгаш ўтказиб, ҳар бир шаҳар ва қабиладан лашкар тўплаб, Кайсарнинг устига ёпирилиб

боришга қарор қилдим. Лашкар жамъ бўлгандан кейин хижрий 804 йилининг ражаб ойида (милодий 1401 йил февралида) Озарбайжондан қайсар устига лашкар тортдим. Ўзимдан илгари лашкаримдан бир неча фавжини Рум мамлақати устига тўсатдан боскин қилишга тайин қилдим. Яна бир неча фавжга эса йўлимиздаги тўхташ манзилларини кўздан кечириб емиш ва ичмишни хозирлаб туришни буюрдим, ўзим Ангурия йўли билан қайсар устига лашкар тортдим. Қайсар тўрт юз минг отлик ва пиёда аскар билан менга қарши юзланди.

Урушни бошладим ва уни енгдим. Қайсарни лашкарбошиларимдан бири қўлга тушириб, хузуримга келтирди.

Етти йиллик юришдан сўнг зафар ва нусрат билан Самарқандга қайтдим!.

ИККИНЧИ МАКОЛА

Мамлакатларни фатх этгучи бахтли фарзандларим ва жахонни идора этгучи кудратли набираларимга маълум бўлсинким, Тангри таоло даргохидан умидим шулки, қўплаб фарзандларим, авлодим салтанат тахтига ўтириб, мамлакатларни идора этгай. Шунинг учун салтанат қуриш, давлат тутиш ишларини бир неча тузукка боғладим ва салтанатни бошқариш ҳақида қўлланма (дастур ул- амал) ёзиб қолдирдим, токи фарзандларим ва авлодимдан бўлганларнинг ҳар бири унга мувофиқ иш юритсин, меҳнату машаққатлар, қўп ҳарбий юришлар, уруш-таловлар билан, тангрининг инояти ва ҳазрати Мухаммаднинг, унга тангрининг марҳаматлари ва саломлари бўлсин, толеъи баланд миллатининг шарофати, онҳазратнинг улугвор авлоди ва қимматли саҳобаларига қилган муҳаббат ва дўстлигим орқали қўлга қиритган давлат ва салтанатни сақлағайлар.

Бу тузуклардан ўз салтанат ишларини бошқаришда қўлланма сифатида фойдалангайлар, токи мендан уларга етадиган давлат ва салтанат зарару таназзулдан омон бўлгай.

Энди менинг номдор бахтиёр фарзандларим ва мамлакатларни забот этгучи иқтидорли набираларимга йўл-йўригим шулки, мен ўн икки нарсани ўзимга шиор қилиб олиб, салтанат мартабасига эришдим. Шу ўн икки нарса ёрдамида мамлакатларни забот этиб, салтанатимни бошқардим ва салтанат тахтига зебу зийнат бердим. Улар ҳам ушбу тузукка амал қилсинлар. Давлату салтанатимни ва ўзларини эҳтиёт қилсинлар.

Биринчиси — давлат ва салтанатимга боғлаган менинг биринчи тузугим — Тангри таолонинг дини ва Мухаммад мустафонинг шариатида дунёда ривож бердим. Ҳар ерда ва ҳар вақт ислом динини қувватладим.

Иккинчиси шулким, ўн икки табақа ва тоифадаги кишилар билан мамлакатларни забот этдим, уларни идора қилдим. Давлат, салтанат устунларини ўшалар билан қувватлаб,

мажлисларимни шулар билан зийнатладим.

Учинчиси шулдирки, маслахат, кенгаш, тадбиркорлик, фаоллик ва хушёрлик-эҳтиёткорлик билан ганим кўшинларини енгиб, мамлакатларни ўзимга бўйсундирдим. Салтанатим ишларини муросаю мадора, мурувват ва сабр-токат билан юргиздим. Кўп нарсани билиб турсам ҳам ўзимни билмасликка олардим. Дўсту душман билан муросаю мадора килдим.

Тўртинчиси — давлат ишларини салтанат конун-қоидаларига асосланган ҳолда бошқардим. Тўра ва тузукка таяниб, салтанатда ўз мартаба ва мақомимни мустаҳкам сақлаб турдим. Амирлар, вазирлар, сипоҳ, раият ҳар бири ўз лавозим ва мартабасидан мамнун ҳолда хизматимда бўлиб, ундан ортигига даъвогарлик қила олмади.

Бешинчиси — амирларим ва сипоҳийларимни мартаба ва унвонлар, зару зеварлар билан хушнуд этдим. Базмларда уларга [ўз ёнимдан] ўрин бердим, шунинг учун жангларда жонларини фидо қилдилар. Дирхам ва динорларни улардан дариг тутмадим.

Уларнинг юмушларини енгиллаштириш учун меҳнату машаққатларини ўзимга юкладим ва тарбият қилдим. Амирлар, сипоҳсолорлар, баҳодирлар билан иттифок бўлиб, уларнинг мардлигу мардонаворлигига таяниб, шамшир зарби билан йигирма етти подшоҳнинг тахтини эгалладим. Эрон, Турон, Рум, Мағриб, Шом, Миср, Ироқи араб ва Ироқи аҷам, Мозандарон, Гилонот, Ширвонот, Озарбайжон, Форс, Хуросон, Дашти жете, Дашти Кипчок, Хоразм, Кобулистон, Бохтарзамин, Хиндистонга подшоҳ бўлиб, ҳукм сурдим.

Салтанат тўнини кийгач, тинчлигу соғлигим кетди, ўз тўшагимда роҳатда ухлаш хузур-ҳаловатидан воз кечдим. Ўн икки ёшимдан турли диёрларни кездим, ранжу меҳнат тортдим. Ҳар хил тадбирлар қўллаб [ганим] фавжларини синдирдим. Амирлар ва сипоҳийларнинг исёнларини кўрдим, улардан аччиқ сўзлар эшитдим. Лекин сабру бардош билан ўзимни эшитмаган-кўрмаганга солиб, уларни тинчитдим. Қилич кўтариб жанг майдонига отилдим ва шу тарика дунёда ном чиқардим.

Олтинчиси — адолат ва инсоф билан тангрининг яратган бандаларини ўзимдан рози қилдим. Гуноҳкорга ҳам, бегуноҳга ҳам раҳм қилиб, ҳаққоният юзасидан ҳукм чиқардим. Хайр-эхсон ишларим билан одамлар кўнглидан жой олдим. [Тўгри] сиёсат ва инсоф билан сипоҳийларим ва раиятни умид ва кўрқинч орасида

сақладим. Фуқаро ва қўл остимдагиларга раҳмдиллик қилдим, сипоҳийларга инъомлар улашдим. Золимлардан мазлумлар ҳаққини олдим. Золимлар етказган ашёвий ва жисмоний зарарларни исботлаганимдан кейин, уларни шариатга мувофиқ одамлар ўртасида муҳокама қилдим ва бир гуноҳкорнинг ўрнига бошқасига жабр-зулм ўғказмадим.

Менга ёмонликлар қилиб, бошим узра шамшир кўтариб, ишймга кўп зиён етказганларни ҳам, илтижо билан тавба-тазарру қилиб келгач, ҳурматлаб ёмон қилмишларини хотирамдан ўчирдим. Мартабаларини оширдим. Улар билан муомалада шундай йўл тутдимки, агар хотираларида менга нисбатан шубҳаю кўрқув бўлса, бутунлай унут

бўларди.

Еттинчиси — саййидлар, уламою машойих, окилу донолар, мухаддислар, хабарчилар (тарихчилар)ни танланган, эътиборли одамлар хисоблаб, иззату хурматларини жойига кўйдим. Шижоатли кишиларни дўст тутардим, чунки Тангри таоло жасур кишиларни ардоқлайдилар. Уламо билан суҳбатда бўлдим ва пок ниятли, тоза калбли кишиларга талпиндим. Буларнинг химматларидан улуш тиланиб, муборак нафаслари билан дуо-фотиҳа беришларини илтимос килдим. Дарвиш, факир ва мискинларни ўзимга якин тутдим, уларнинг кўнгилларини огритмадим ва бирон талабларини рад этмадим. Бузуки ва огзи шалок гийбатчи одамларни мажлисимга йўлатмадим, сўзларига амал килмадим. Бирор кимсага тухмату гийбат килсалар, кулок солмадим.

Саккизинчи — азму жазм билан иш тутдим. Бирон ишни килишга касд килган бўлсам, бутун зехним, вужудим билан боғланиб, битирмагунимча ундан кўлимни тортмадим. Хар неки деган бўлсам унга амал килдим. Хеч кимга газаб билан каттик муомала килмадим ва хеч бир ишда танглик килмадим, токи Тангри таолонинг газабига дучор бўлмайин ва ишимни бузиб, холимни танг айламасин деб. Одам Атодан бошлаб Хотам ул- анбиёгача, улардан хозирги дамгача ўтган султонларнинг конунлари ва туриш-турмушларини донолардан сўраб-суриштирдим. Хар кайсиларининг йўл-йўриклари, туриш-турмушлари, килиш-килмишлари, айтган гапларини хотирамда сакладим ва яхши ахлоклари, маъкул сифатларидан намуна олиб, унга амал килдим. Давлатларининг таназзулга учрашй сабабларини суриштирдим ва давлату салтанат заволига сабаб бўлувчи ишлардан сакландим. Наслни бузувчи, очарчилик ва вабо касали келтирувчи зулм ва бузукчиликдан сакланишни ўзимга лозим билдим.

Тўккизинчиси — раият ахволидан огох бўлдим, улугларини ога каторида, кичикларини фарзанд ўрнида кўрдим. Хар ернинг табиати, хар эл ва шаҳарнинг расму одатлари, мизождан вокиф бўлиб турдим. Хар бир ўлка ва шаҳар ахолисининг ашроф- улуглари ва бузурглари билан ошна тутиндим. Уларнинг мижозларига, табиатига тўгри келган, ўзлари тилаган одамларини уларга хоким килиб тайинладим. Хар бир диёр ахолисининг ахволидан огох бўлиб турдим. Хар бир мамлакатнинг ахволини, сипоҳу раият кайфиятини, туриш-турмушларини, килиш-килмишларини, булар ўрталаридаги алоқаларни ёзиб, менга билдириб туриши учун диёнатли, тўгри каламли кишилардан воқеанавислар (ахборнавис- хабарчилар) белгиладим. Бордию нотўгри нарса ёзганлари менга маълум бўлиб колса, бундай воқеанависларни жазоладим. Хокимлар, сипоҳ ва раиятдан кайси бирининг халкка жабр-зулм етказганини эшитсам, уларга нисбатан дархол адолату инсоф юзасидан чора кўрдим.

Ўнинчидан — турку тожик, арабу ажамнинг турли тоифа ва кабилаларидан бўлган ва менинг паноҳимга кирган кишиларнинг улугларига хурмат кўрсатдим, колганларини ҳам ўз холига яраша сийладим. Яхшиларига яхшилик килдим, ёмонларини эса ўз ёмонликларига топширдим. Ким менга дўстлик килган бўлса, дўстлиги кадрини унутмадим ва унга мурувват, эхсон, иззату икром кўрсатдим. Кимки менинг хизматимни килган бўлса, хизмати хаккини адо этдим. Кимки менга душманлик килса-ю, кейин пушаймон бўлиб, илтижо билан химоя истаб, тиз уриб олдимга келса, душманлигини унутиб, мурувват ва дўстлик кўрсатдим. Чунончи, улус амири Шер Баҳром аввал менга

хамрох эди, бошимга [огир] иш тушганда мени ташлаб кетди ва душманларимга кўшилди, менга карши килич кўтарди. Охири берган тузим хакки тизза уриб, яна илтижо килиб келди. Асл эр-йигит бўлганлиги ва жанг-жадал билан суяги котган мардлардан эканлиги боисидан ёмон ишларининг барисидан кўз юмдим. Олдимга келгач, ўзини хурматлаб, мартабасини оширдим. Уни марду мардоналиги учун кечирдим.

Ўн биринчиси — фарзандлар, кариндошлар, ошна-огайни, кўшнилари ва мен билан бир вақтлар дўстлик қилган барча одамларни давлату неъмат мартабасига эришганимда унутмадим, [молу мулк ва нақд пул билан] хакларини адо этдим. Ўз фарзандларим, кавму кариндошларимдан кариндошлик меҳрини узмадим. Улардан нораво иш ўтган бўлса, дархол боғлаб, ўлдиришга буюрмадим. Хар кимни [туриш-турмушнинг пасту баландларида] турли йўллар билан синаб билиб олдим ва уларга шунга яраша муомала қилдим. Хаётнинг кўп иссик-совугини кўриб, улардан сабоқ олиб, тажрибамни оширдим. Шунинг учун дўсту душман билан келишиб яшадим.

Ўн иккинчиси — дўст-душманлигига карамай, хар жойда сипохийларни хурмат қилдим, чунки улар боқий мато бўлган жонларини фоний дунё моли учун сотадилар. Ўзларини маърака-майдон, халокатга отиб, жонларини курбон қиладилар. Агар ганим сипоҳидан бирор одам ўз валинеъматига сидқидилдан хизмат қилиб уруш кунларида менга карши килич кўтарган бўлса ҳам, ундай одамга нисбатан лутф-мархаматлар кўрсатдим. Кошимга [панох истаб] келганда, уни кадрлаб, ишончини қозондим, вафодорлиги ва хақиқат билан хизмат қилишига ишондим.

Кайси бир сипохий туз хақи ва вафодорликни унутиб, хизмат вақтида ўз соҳибидан юз ўгириб, менинг олдимга келган бўлса, ундай одамни ўзимга энг ёмон душман деб билдим. Чунончи, Тўхтамишхон билан бўлган урушда унинг амирлари менга хабарлар ва шикоят-аризалар ёзиб, ўз ҳукмдорлари, яъни менинг душманим бўлмиш Тўхтамишхон берган туз хақини унутдилар. Вафодорлик ва хақиқатни бир чеккага йиғиштириб қўйиб, менинг ҳузуримга панох истаб келганлари . учун уларни лаънатладим, ўзимча, «булар ўз соҳибига вафодорлик қилмагач, менга қилармиди?» деб ўйладим.

Яна тажрибамда кўриб билдимки, давлат агар дину ойин асосида қурилмас экан, тўра-тузукка боғланмас экан, ундай салтанатнинг шуқуҳи, қудрати ва тартиби йўқолади. Бундай салтанат яланғоч одамга ўхшарким, уни кўрган хар кимса, назарини олиб қочади. Ёхуд қасу ноқас тап тортмай қириб чиқадиган томсиз, эшиги — тўсиги йўқ уйга ўхшайди.

Шунинг учун ҳам мен ўз салтанатим биносини дини ислом, тўра ва тузук асосида мустаҳкамладим. Салтанатни бошқаришимда учраган хар қандай воқеа ва ишни тўра ва тузук асосида бажардим.

Дилимнинг машриқидан кўтарилган биринчи тузук шундан иборат бўлдики, ислом динини ёйиб, Муҳаммад, унга тангрининг мархаматлари ва саломлари бўлсин, шариатини қувватладим. Жаҳоннинг турли мамлакатлари, катта ва кичик шаҳарларида ислом динини ва одамларнинг энг хайрлиси (ҳазрати Муҳаммад)нинг тўғри йўлларини тарғиб этдим. Ўз салтанатимни шариат билан безадим.

Равшан динга ривож беришда кўллаган биринчи тузугим шу бўлдики, саййидлар орасидан лаёкатли биттасини ахли исломга садр этиб тайинладим. Тамом вақфларни бошқариш ва назорат қилиш учун мутаваллий танлашни, ҳар бир шаҳар ва вилоятда козий, муфтий, мухтасиб тайинлашни унинг ўзига ҳавола этдим. У саййидлар, уламо, шайхлар ва бошқа диний арбобларга суюрғол белгилаб, ҳар бирининг вазифасини тайин қилсин, дедим.

Лашкарлар учун маҳсус козий ва раият учун алоҳида козий тайинладим; ҳар мамлакатга шайхулисом юбордимки, токи мусулмонларни гуноҳ ишлардан қайтариб, уларни яхши ва савоб ишларга ундасин.

Ҳар бир шаҳарда масжидлар, мадрасалар, хонақолар қуришни, йўловчи мусофирлар учун йўл устига работлар бино қилишни, дарёлар устига кўприқлар қуришни буюрдим.

Мусулмонларга диний масалалардан таълим бериб, шариат ақидалари ва ислом дини илмлари: тафсир, ҳадис, фикҳдан дарс берсинлар деб, ҳар бир шаҳарга олимлар ва мударрислар тайин қилдим. Турли мамлакатлардаги садрлар ва козийларга шариатнинг асосий талаблари қандай бажарилаётганлиги ҳусусида менга хабар қилиб туришни буюрдим. Шунга ўхшаш ҳар эл ва ҳар шаҳарда сипоҳ ва раият орасида урф-одатларга оид жанжалли ишлар ҳақида менга маълумот бериб турсин деб адолат амирини тайинладим.

Шу тариқа ислом динини ривожлантириб, шариатни мусулмон мамлакатларига ёйдим. Ислом динини ёйиб, унга раванқ берганим ҳақидаги овоза қаттаю кичик ахли мўминнинг қулогига етгандан кейин, ислом олимлари: «Тангри таоло ҳар юз йилда Мухаммад, унга тангрининг марҳаматлари ва саломлари бўлсин, динига ривож бериш ва янгилаш учун бир кишини ислом динининг ёйувчиси ва янгиловчиси сифатида ихтиёр этади. Бу саккизинчи юз йилликда Амир соҳибқирон ислом динини жаҳон аҳлига тарқатди. Шунинг учун бу юз йилликда Мухаммад динининг янгиловчиси шу киши бўлғай» — деб фатво бердилар.

Замон уламосининг улуги бўлмиш Мир Саййид Шарифбу ҳусусда менга мактуб йўллаб ёзган эдиларки, илгариги ва кейинги авлод ислом олимларининг барчаси бир огиздан иттифок бўлиб деганларки, Аллоҳи таоло ҳазрати рисолатпаноҳ пайгамбаримиз, унга тангрининг марҳаматлари ва саломлари бўлсин, унинг динини тарқатиш учун ҳар юз йилда бир ккшини динни янгиловчи сифатида ихтиёр этади. Саккизинчи юз йилликнинг бошида Амир соҳибқирон ҳақиқий динни ривожлантирди ва ҳар томонга ёйди. Дини ислом оламнинг турли ўлкалари ва шаҳарларида раванқ топди. Ҳақли равишда [бу асрда] диннинг тарқатувчиси Амир соҳибқиронлиги тасдиқланди. Ушбу мактубнинг нусхаси будир: «ё, Аллоҳ! Қимқи Мухаммад динини кўлаб-қувватласа, Сен ҳам уни кўллағил, қимқи Мухаммад динини хор қилса, Сен ҳам уни хор тутғил» (дуо).

Рисолатпаноҳ пайгамбаримиз хижрат этганларига ҳам саккиз юз йилдан ошди. Ҳар юз йил бошида Аллоҳи таоло ва такаддус ўз элчиси ва ҳабиби Мухаммад динини унинг умматига тарқатувчи ва янгиловчини ихтиёр айлайди. Аллоҳга ҳамду санолар бўлсинки, саккизинчи юз йиллик бошида Аллоҳи таоло Амир соҳибқиронни ислом динининг

янгиловчиси ва ривожлантирувчиси сифатида ихтиёр айлади ва у турли ўлкалар ва мамлакатларда аҳолига дини Мухаммадийни қабул қилдирди. Илк ислом олимлари динни янгиловчилар аҳолини ўрганиб, ўз китобларида бу ҳақда маълумот берганлар. Бу янгиловчилар қуйидагилардир:

Хижратдан кейинги биринчи юз йилликда динни янгиловчи киши Умар ибн Абдулазиз эдилар. У хорижийлар минбардан туриб, ҳазрати Алига таъна қилишиб, лаънатлар ёғдиришиб, ислом динини заифлаштирганда, бу [низони] бартараф қилди. Ўша вақтда ислом аҳли иттифоқи бузилиб, қинаю адоват пайдо бўлган эди; бир тоифа одамлар тўғри йўлдан борган халифалар (хулафо ар-рошидин) ни лаънатлаб, уларга таънаю дашном ёғдирдилар; бошқа бирлари эса мўминлар амири ҳазрати Али [бошлик] имом Хусайн ва ҳазрати Аббосни лаънатлар эдилар. Бу икки гуруҳ ҳам ўзаро адоватда бўлиб, ўта мутаассиб эдилар. Умар ибн Абдулазиз бу низоларни бартараф қилиб, дини исломни янгалади.

Иккинчи юз йилликнинг бошида келган дин янгиловчиси халифа Маъмун ибн Хорун ар-Рашид эди. У ислом динида пайдо бўлган етмиш икки турли ботил мазҳабларни йўқотиб, ҳақ мазҳаби аҳли суннат ва жамоатни ривожлантирди. Али ибн Мусо Жаъфар'ни, ундан Аллох рози бўлсин, Хуросондан олиб келиб, уни ўзига валиахд деб эълон қилди. Унинг изни ва маслаҳати билан мамлакатда ҳукмронлик қилди.

Учинчи юз йиллик бошида дини Мухаммадийни янгиловчиси халифа Муктадир биллох Аббосий эди. Абу Тохир бошчилигидаги қарматлар Маккад муаззамани босиб олиб, арафа қуни ҳажга борганлардан ўттиз мингтасининг жонига қасд қилдилар ва уларни шахид этдилар. Мукаддас қора тош (ал-Хажар ал-асвад) ни Каъба ичидан кўтариб олиб кевдилар. Ислом мамлакатларини вайрон этиб, қатли ом ва талон-торож қилдилар. Шу сабабдан ислом дини заифлашиб қолди. Муктадир биллох бу қавм. устига лашқар тортиб, уларни улоқтириб ташлади [ва фитнани бостирди]. Бу билан ислом дини ва шариатга ривож берди.

Тўртинчи юз йилликнинг бошида дини Мухаммадийни ривож эттиргай киши Иззуддавла Дайламий эди. Шу даврнинг халифаси аббосий Мутиъ амриллох⁵ [ҳукмронлиги вақтида бўлган] фиск- фужурлар ва унга тобеъ қилдиларнинг зулми орқасида дини ислом заифлашган ва ислом мамлакатларида турли-туман фиск-фасод кўпайганди. Иззуддавла бу халифани тахтдан йикитиб, ўрнига ўгли Тоиъ биллохни валиахд қилди. Иззуддавла шахсан ўзи бу динни тарқатиш ва тозалашда, бидъатни йўқотишда, ношаръий ишларни бартараф қилишда, жабр-зулмни тугатишда мутасадди бўлди. Дини Мухаммадийга ривож берди.

Бешинчи юз йиллик бошида дину шариатни ривожлантирган одам султон Санжар ибн султон Маликшоҳ эди. Шайх Ахмади Жом ва. ҳаким Санойи унинг замондошлари бўлиб, султон уларнинг муриди эди. Бу даврда динсизлар ва жохиллар ислом динини заифлаштирган эди. Султон Санжар динсизларни йўқотиб, ислом динини ривожлантиришга киришди. Дини Мухаммадийга итоат ва тобеъликда шундай даражага эришдики, шариатга хилоф бўлган ҳеч бир иш қилмади.

Олтинчи юз йилликнинг бошида дин янгиловчиси Гозонхон ибн Аргунхон ибн Халокухон эди. Ислом дини туркистонлик кофирларнинг истилоси натижасида заифлашган эди. Аллохи таоло дин ривож учун Гозонхонни юз минг аскар билан кўзгади. [Тангри таолонинг иродаси билан унга топширилган] юз минг аскар Лор сахросида шайх Иброхим Хамавий рахнамолигида Аллохга имон келтириб, мусулмон бўлдилар. Тилларини: «Аллохдан бошка худо йўк, Мухаммад Аллохнинг [ердаги] элчисидир», деган имон калимасига келтирдилар ва куфр-бидъат ишларини ташладилар. Мамлакатда ва шаҳарларда шариатга ривож бердилар.

Еттинчи юз йилликнинг бошида келган Ўлжойту Султон ибн Аргунхон, лакаби Султон Мухаммад Худобанда эди. Мазкур санада огаси Гозонхондан сўнг салтанат тахтига ўтирди. [Бир куни] унинг кулогига дини Мухаммадий шу кадар бўшашганки, намоз вақтида мусулмонлар ташаххуддан сўнг Мухаммадга, унинг авлодига салавот айтмай кўйибдилар, деган гап етказилди. У ўрнидан туриб Султония жомеъ масжидига борди ва у ерга ислом уламози хозир бўлишини буюрди. Сўнгра султон улардан «Намоз вақтида Мухаммадга ва унинг насли авлодига салавот айтишнинг нима фазилатлари бор?» деб сўради. Улар бир овоздан: «Худойи таоло хукмига кўра намозда Мухаммад ва унинг авлодига салавот айтиш лозимдир»,— деб жавоб бердилар. Ўша пайт бир гурух уламо: «имом Шофиъий, Мухаммадга ва унинг авлодига салавот айтмасдан ўқилган намоз бузилган хисобланади, деб айтганлар», деб ўз фикрини билдирди. Яна бир гурухи айтдилар- ким: «Имоми Аъзам демишдики, Мухаммадга ва унинг авлодига салавот айтилмай ўқилган намоз макрухдир». Шунда султон уламодан сўради: «Нега салавот айтганда пайгамбаримиз насли авлодидан бўлган хар бир кишининг исми [алохида] зикр этилмайди-ю, [факат] хотам ул-анбиё бўлмиш пайгамбаримизга салавот айтгандагина «ва унинг авлоди...» деб кўшадилар?». Бутун уламо бу саволга жавоб беришга ожизлик қилиб, ўйланиб қолишди. Шунда султон айтди: «Бу саволга жавоб беришда хотирамга икки далил келади. Биринчиси шулки, душманлар пайгамбаримиз Мухаммадни ўқилсиз (абтар) деб атадилар. Тангри таоло наслсизликни уларнинг ўзига раво кўрди. Дунёдан насллари узилди. Агар насл қолган бўлса ҳам ном-нишонсиз бўлиб, уларнинг номини бирор киши тилга олмайди. Аммо пайгамбаримиз оиласининг зурриётлари сони шу кадар ўсдики, уларнинг хисобини Аллохдан бошка ҳеч ким билмайди. Пайгамбаримизга, унга Аллохнинг мархаматлари ва саломлари бўлсин, салавот айтгандан кейин уларга ҳам яхшилик тилайдилар. Иккинчиси шулки, жами ўтган пайгамбарларнинг динлари, қилган ишлари ё йўқоларди ёки ўзгарарди. Улар динининг ахкомлари доимий эмас эди. Аммо хазрати Мухаммад, унга оллохнинг мархаматлари ва саломлари бўлсин, дини ўзгаришдан омон бўлиб, киёматгача шу йўлда сакланур. Шундай бўлгач, онхазрат (пайгамбар) нинг умматлари салавот айтиш вақтида унинг муборак номини зикр этган пайтда, унинг авлодини ҳам эслашлари лозимдир. Умматларга маълум бўлсинким, Мухаммад динининг хомийлари, Куръони каримни шархловчилар, мактовга лойик шариат илмининг хофизлари, анбиё ва мурсаллар илмларининг ворисидирлар. Мусулмон динининг илмлари ва исломнинг фарзу² вожибларини улардан ўрганадилар, дин ишларида шуларга эргашиб, уларни хурмат қилишни ўзларига лозим деб биладилар», деди.

Султон шу сўзларни айтгани хамонок, масжидга тўпланган уламо ва одамлар бирданига гулдиратиб, пайгамбарга ва унинг авлодига салавот ўқидилар. Шунда султон айтди: «Мухаммад авлодидан биринчиси — хазрати Али, сўнггиси — имом Мухаммад Махдий

охирзамондир. Шундай бўлгач, пайгамбаримиз авлодининг изни ва рухсатисиз унинг мулкига қўл теккизмаслигимиз зарур, акс холда боскинчилик килган бўламиз». Султоннинг бу сўзлари хосу омнинг кулогига эшитилгач, барча уламо унинг айтганларини кабул этди. Гаплари инобатга олинганидан сўнг, султон амр килди: «хакикат шул эркан, ахли Байт номига хутба ўкиб, уларнинг номи зарбланган пуллар чикариш лозим». Бу гапларни эшитган, кўрган уламо унинг фикрини тасдиқлаб Аллохга имон келтирдилар ва «Ўлжойту Султон — дину шариатга ривож берувчи», деб фатво ёздилар.

Саккизинчи юз йилликда чиккан дин янгиловчиси Амир Сохибкирондирки, оламнинг турли мамлакатлари ва шаҳарларида дину шариатни ривожлантириб, саййидлар ва уламони иззату икром килди. Пайгамбар хонадони зурриётларининг маслахати, изни билан унинг мулкини тасарруф килди.

Мир Саид Шариф ёзган ушбу мактуб менга етгач, Тангри таолога шукр айтиб, Мухаммад ва унинг хонадонига илтижо килиб, Тангри таолога ёлвордим: «Менга дину шариатни янгилаш ва унга ривож беришда мадад бергил!» Сўнг бу мактубни олиб, пирим [Абу Бакр Тойбодий] нинг хузурларига юбордим. [Ул зот] мактуб четига мана бу сўзларни ёзиб меНга кайтардилар: «Дину шариатга ривож берувчи [Амир] Темур сохибкиронга Аллох уни кўлласин, маълум бўлсинким,. бу иш ул кутби салтанатга Аллохи таоло тарафидан берилган жуда катта эхсон ва буюк ёрдамдир. Дин янгилаш, шариатга ривож беришдек улкан ишда Тангри таоло сенга ёрдам багишламишдир. [Вафодорлигинг ва яхши ишларинг] канча оширсанг, Аллох хам сенга [иноят ва карамини] шунча оширгай».

Пиримга юборган ушбу мактуб, унинг хати билан зийнатланиб менга кайтгач, саййидлар ва уламони иззату икром этишни бажо келтириб, шариат ривожи учун илгаригидан хам кўпрок саъйи ҳаракат килдим. Бу мактуб мазмунини менинг воқеаларим тўпланган тарих дафтарига ёзишларини буюрдим.

Дину шариат ишлари тузукини тартибга келтирганимдан сўнг, салтанатим корхонасининг тузукини тузишга киришдим. Салтанат ишларини конун ва коидалар (тўра ва тузук)ка солиб, унинг мартабалари (ахволи)ни мустахкамладим. Салтанатнинг мартаба- лари тузукини куйидагиларга таяниб туздим:

Биринчидан, салтанатим конун-коидаларини ислом дини ва кишиларнинг энг хайрлиси (хазрати Мухаммад) нинг шариатига боғлаб, иззату хурматлаш вожиб бўлган онхазратнинг авлоди ва саҳобаларига муҳаббат билдирган холда уларни мустахкамладим. Салтанатим мартабасини конун-коидалар асосида шундай сакладимки, салтанатим ишларига аралашиб, зиён етказишга ҳеч бир кимсанинг қурби етмасди.

Иккинчидан, сипоҳу раиятни умид ва кўркув орасида сакладим. Дўст-душманни муросяо мадора мартабасида тутдим. Килмишла рини, айтган гапларини гоҳида сабр-токат, гоҳида билиб-билмас- ликка олиш билан ўтказдим. Дўст-душмандан кимки менга илтижо килиб келгудек бўлса, дўстларга шундай муомала килдимки, дўстлиги янада ортди, душманларга эса шундай муносабатда бўлдимки, уларнинг душманлиги дўстликка

айланди.

Менда бирон кимсанинг хаки бўлса, хакини ҳеч вақт унутма- дим. Бирон кимса билан танишган бўлсам, уни ҳеч вақт назарим- дан четда қолдирмадим.

Давлатим ва салтанатим қуёши кўтарилиб келаётган вақтда менга илтижо қилиб келган ниқуқор ва бадқирдор одамлар, ҳоҳ менга яхшилик қилган бўлсинлар, ҳоҳ ёмонлик, салтанат тахтига ўтирганимдан кейин уларни хайр-эхсонларим билан хижолатга қўйдим. Менга қилган ёмонликларини қилмагандек қўриб, уларни ёмон қилмишлари дафтари устига афв қаламини тортдим.

Учинчидан, ҳеч қимдан ўч олиш пайида бўлмадим. Тузимни тотиб, менга ёмонлик қилганларни парвардигори оламга топшир- дим. Иш қўрган, синалган, шижоатли эр-йигитларни қошимда тутдим. Софдил кишилар, саййидлар, олимлар ва фозилларга даргоҳим доим очик эди. Нафси ёмон химматсизларни, қўнгли бузук кўрокларни мажлисимдан қувиб юбордим.

Тўртинчидан, очик юзлилик, раҳм-шафқат билан халқни ўзимга ром қилдим. Адолат билан иш юритиб, жабр-зулмдан узоқроқда бўлишга интилдим.

Шу пайтда пиримдан хат келди. Улар: «Буюқ зафарлар соҳиби Темурга, Аллоҳ уни хамиша қўлласин, маълум бўлсинким, [унинг] салтанати қорхонаси Тангри таоло қорхонасининг бир [қичик] нуҳасидирки, унда турли мансабдаги ходим ва хизматқорлар (амале ва фаъле), ноиблар, эшик оғалари (хужжоб) бордир, уларнинг ҳар бири мартабасига яраша ўз юмуши билан машғулдир, ҳеч бири ўз мартабасидан четга чиқмайди ва доимо Аллоҳнинг амрига мунтазир бўлиб турадилар. Шундай бўлгач, сен хамиша хушёр ва эҳтиётқор бўлгин, токи вазирлар, лашқарбошилар, амалдорлар, иш бошқарувчилар, сипоҳсолорлардан ҳеч бири ўз мартабаси чегарасидан чиқмасин ва доимо сенинг ҳукмингга мунтазир бўлиб туришсин. Ҳар тоифа ва ҳар қавмни ўз мартабаларида тутгинки, салтанатинг низомга келиб, давлат интизомга киргай. Агар ҳар нарсани ва ҳар қимни ўз мартабасида саклай олмасанг, салтанатингга бундан қўп ҳалал ва зиён етгай. Демак, ҳар қимнинг кадр-қийматини, тутган мавқеини ва ҳар нарсанинг ўлчовини белгилаб олишинг ва шунга мувофиқ иш юритишинг керак. [Ҳазрати] Муҳаммад авлодидан бўлганларнинг мартабаси- ни бошқалардан юқори қўтариб, уларнинг иззат-ҳурматини жойига қўйгил. Уларга қанча қўп муҳаббат билдирсанг ҳам, уни исроф деб ўйлама, чунки қайси иш худо йўлида бўлса, унда исроф йўқдир. Ўн икки тоифа билан 'давлатингга зийнат бериб, шулар билан салтанат қургил. Вассалом», деб ёзибдилар.

Пиримнинг ушбу хати менга етишгач, унда буюрилган ҳар бир нарсани бажо келтирдим. Салтанатим ишларини қонун-қоида ва интизомга солиб, салтанатим мартабасига зебу зийнат бердим. Салтанатимни ўн икки тоифага бўлиб, уларга таянган ҳолда. иш юргиздим. Салтанатим қонун-қоидаларини ҳам шу ўн икки тоифага боғлаб туздим. Бу ўн икки тоифани салтанатим фалақининг ўн икки буржи ва давлатим қорхонасининг ўн икки ойи деб ҳисобладим.

Биринчи тоифа — саййидлар, уламо, шайхлар, фозилларни ўзимга яқинлаштирдим. Улар

менинг саройимга доимо келиб- кетиб, мажлисимни бегаб туришди. Диний, ҳукукий, аклий

масалаларни ўртага ташлаб, кимматли фикрлар билдиришарди. Халол ва харомга оид масалаларни мен улардан ўргандим.

Иккинчи тоифа — аклли кишилар ва кенгаш соҳиблари, эҳтиёт- қор арбоблар, сергак ва кейинини ўйлаб, олисни кўриб иш юритувчи, кекса ва тажрибали кишиларни ҳос мажлисимга киритиб, суҳбатларидан, ишларидан нафъ олиб, тажриба ҳосил қилардим.

Учинчи тоифа — дуоғўй кишиларни кадрладим. Улар билан хилватда суҳбат қуриб, кўнглимдаги максадимни айтиб, дуо тилардим. Мажлисларда, базмларда, жанг майдонларида улардан кўп баракатлар топдим. Тўхтамишхон билан бўлган жангда ганим лашқари кўплигидан ва менинг лашқарим эса озлиги, очлигидан кўп азият тортган эдим. Шу пайт соҳиби дуо бўлмиш Мир Зиёвуддин Сабзаворий бошидан салласини олди, кўлларини дуога очиб [мен учун] Тангридан зафар тилади. Хали дуо си тугамай туриб дуо таъсири кўриниб, [лашқарларим ёғийни қочирдилар]. Яна бир мисол шулки, саройим харамдагилардан бири қаттиқ оғриб, ўлими яқинлашди. Дуоғўй сайидлардан ўн икки киши йигилишиб келдилар. Хар бири ўз умридан бир йилни унга бағишлади ва у соғайиб яна ўн икки йил яшади.

Тўртинчи тоифа — амирлар, сарханглар, сипоҳсолорларга мажлисимдан ўрин бериб, мартабаларини юқори кўтардим. Улар билан суҳбатлашиб, маслаҳатлар олдим. Жанг майдонларида мардона қиличлашган шижоат ахлини дўст тутардим. Жанг майдонларига от қоптириб қириб-қиқиш усулларини, ганим лашқари тўпини бузиб, сафларини синдиришни, найза санчиб, қилич қопқилашни, бутун уруш-талаш ишларини улардан сўраб эдим. Сипоҳгарлик ишларида уларга таяниб, улардан кенгаш тилар эдим.

Бешинчи тоифа — сипоҳ ва раият бўлиб, хар иккисига бир кўз билан қарадим. Сипоҳийлардан қикқан бақодирлар, довьорақларга махсус фахрли ўтога, қамар ва тарқаш тақдим этиб, мартабаларини кўтардим. Хар эл ва хар мамлакатнинг улугларини, бошлиқ- оқсоқолларини кадрладим, уларга совға-саломлар бериб, хизматларидан фойдаландим. Сипоҳийларимни ҳамиша жангга тайёр қолда тутдим, ойлик ҳақларини сўраттирмай вақтида берардим. Чунончи, Рум юришида сипоҳийларимга ўтган ва қелажақда қиладиган хизматлари учун етти йиллик озуқаларини бирданига бердим. Сипоҳ ва раиятни шундай тутдимки, биронтаси иккинчисидан устунлик қилиб, қаттиқ гапиролмас эди. Бошқа сипоҳийларни ўз мартабаларига ва даражаларига қараб шундай сақладимки, ҳаддидан ташқари бирон қадам қўёлмас эди. Уларнинг мартабаларини на кўп кўтариб, ҳовлиқтирмадим ва на кўп тушуриб юбориб, кўнгишларини чўқтирмадим. Қайси бири кўзга кўринарли бирор хизмат кўрсатар экан, инъомлар бериб, бошқалардан айрича ҳурматладим. Қимнинг ақли ва шижоатини синов тарозусида қортиб кўриб, бошқаларниқидан ортиқроқ кўрсам, уни тарбия қилиб, амирлик даражасига қикараб эдим. Сўнгра кўрсатган хизматиға яраша мартабасини янада кўтарар эдим.

Олтинчи тоифа — аклли, тажрибали, энг ишонқли кишиларқи, салтанат ишларини, сирларини уларга очиб, [улар билан] кенгаш қилишимға лойиқ кишилар эди. Булар билан

сирдошлик килиб, яширин ишлар, махфий сирларни шуларга топширдим.

Еттинчи тоифа — вазирлар, бош котиблар, девон муншийлари- ки, салтанатим саройини шулар билан безатдим. Буларни менга тобеъ мамлакатлар [уйлари] нинг кўзгуси деб билдим. Чунки улар эл орасида ва мамлакатда бўлаётган кундалик воқеаларни, сипох ва раият туриш-турмушини менга билдириб турар эдилар. Булар давлат хазинаси, сипох ва раиятга оид ишларни тартибга солиб юритдилар. Салтанат мулкига тушган раҳналарни бекитишнинг лойик чораю тадбирларини кўрдилар. Салтанатим корхонаси хазинасининг кирим ва чикимига оид ишларни тўғри олиб бордилар. Хамиша мамлакат тўқинчилиги ва ободлиги учун ҳаракат килишарди.

Саккизинчи тоифа — ҳакимлар, табиблар, мунажжимлар ва мухандисларки, улар салтанат корхонасига ривож берувчилардир. Уларни ўз атрофимга тўпладим. Ҳакимлар ва табиблар билан иттифокда беморларни даволатар эдим. Мунажжимлардан сайёралар (кавокиб)нинг кутлуг ва кутсиз кунлари, уларнинг ҳаракати ва осмонда айланишини аниқлаб олардим. Мухандислар билан иттифокда олий иморатлар барпо этиб, боғу бўстонларнинг лойиха-тарҳини чиздирдим.

Тўққизинчи тоифа — муҳаддислар, пайгамбар, унинг авлодлари ва саҳобалари ҳақида ривоятлар нақл қилувчилар (тарихчилар) ҳамда қиссаҳонлар бўлиб, уларни ҳам ўзимга яқинлаштирдим. Пайгамбарлар ва авлиёлар ҳақидаги қиссаларни, ўтган подшолар тўғрисидаги хабарларни, уларнинг салтанат тахтига қандай етишганликларини, давлатларининг қандай сабабларга кўра завоқ топганлигини булардан сўраб билардим. Ҳар қайсисининг қиссалари ва хабарлари, ишлари ва сўзларини эшитиб тажрибам ортди. Оламда бўлаётган воқеаларни улардан эшитардим ва олам аҳволидан хабар топар эдим.

Ўнинчи тоифа — машойихлар, сўфилар, ҳудони таниган орифлардир. Уларнинг хизматларида бўлиб, суҳбатлар қурдим ва охирақ фойдаларини олдим. Улардан Тангри таолонинг сўзларини эшитиб, қароматлар қўрдим, фавқулодда одатларини мушоҳада этдим ва суҳбатларидан роҳатланиб, ҳузур қилдим.

Ўн биринчи тоифа — қасбу ҳунар эгаларидир; буларнинг ҳар тоифа ва синфидан бўлганларини давлатхонамга олиб келиб, ўз ўрдамдан ўрин белгиладимки, сафарда ва ҳазарда сипохимга керак яроқлар ва бошқа нарсаларни ҳозирладилар.

Ўн иккинчи тоифа — ҳар мамлакат ва диёр саёҳатчиларию мусофирларининг бошини силадимки, турли мамлакатлардан менга хабар келтириб турдилар. Ҳар бир мамлакатга ва диёрга савдогарлар ва қарвонбошилар тайинладимки, улар қаерга боришмасин: Хитой, Хўтан, Чину Мочин, Хиндистон, араб мамлакатлари, Миср Шом, Рум, Жазоир, Фарангистон (Европа) у ерларнинг нафис матолари ва муносиб тухфаларидан келтиришсин. Ўша мамлакатларда яшовчи кишиларнинг ҳол-аҳволи, туриш-турмушлари ҳақида менга хабар олиб келсинлар. Ҳар бир мамлакат ҳукмдорининг ўз раиятига қандай муомалаю муносабатда эканлигини аниқласинлар.

Давоми бор...